



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2020 yil « 6 » iyul

№ПФ-6019

Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Товар ва молия бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш орқали самарали рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, нархни ортиқча тартибга солишдан воз кечиш ва давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, олдимизда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар монополиясининг иқтисодиёт рақобатбардошлигига салбий таъсирини янада камайтириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига нисбатан тартибга солиш юкини пасайтириш бўйича кечикириб бўлмайдиган вазифалар турибди.

Товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни яратиш, ошкораликни таъминлаш ва давлат хариди тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ;

1. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир;

б) Кўмита қўйидаги вазифаларни амалга оширишда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот киритиб боради:

имтиёзлар, преференциялар ва фаолиятни амалга ошириш учун эксклюзив хукуқлар шаклида кўрсатилаётган давлат **кўмагининг самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш** ҳамда улар рақобат муҳитига салбий таъсир этган тақдирда, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш;

Молия вазирлиги билан биргаликда давлат харидлари тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши ҳамда алоҳида тартиб ўрнатилган стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари устидан давлат назоратини олиб бориш;

давлат органларининг рақобат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузувчи қарорларини бекор қилиш ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чора қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

“картель” келишувлари ва тил бириктиришларни хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

в) Кўмита:

рақобат ва монополияга қарши курашиш соҳасида чора-тадбирлар ва сиёsat уйғунлигини, эркин ва рақобатбардош бозорни шакллантириш билан боғлиқ таркибий ислоҳотларни амалга оширишда ҳамда давлат харидлари, давлат активларини сотиш жараёнида рақобат шароитларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти билан ҳамкорлик қиласи;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда мамлакат иқтисодиётида ва ҳудудларда рақобат муҳитини яхшилаш, рақобат соҳасидаги стратегик устувор йўналишлар ва вазифаларни белгилашда, шу жумладан институционал ислоҳотларни амалга оширишда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2020** йил **1 октябрдан** бошлаб:

а) тармоқ ва соҳаларда ваколатли этиб белгиланган давлат бошқаруви органларининг асосий вазифаларидан бири рақобат муҳитини яхшилаш ва уни ривожлантириш ҳисобланади ҳамда мазкур вазифаларни амалга ошириш раҳбар ва унинг биринчи ўринbosари зиммаларига юклатилади;

б) давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг афғилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) **таъсис этилишига** (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) қуйидаги ҳолатларда **йўл қўйилмайди**:

битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда;

давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда;

в) ягона етказиб берувчи бўлган ёки бундай хуқуқ берилган ёхуд устун (монопол) мавқега эга давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларига фаолияти муассисининг товарлари (ресурслари) ёки тармоқ инфратузилмасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулланадиган ўзларининг **афғилланган шахсларини ташкил этиш тақиқланади**, ушбу афғилланган шахслар рақобатчилари билан teng шартлар асосида фаолият юритиш шароити таъминланган ҳолда бўлиб юбориш натижасида ташкил этиш бундан мустасно;

г) давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг афғилланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган давлат муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш), мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида ташкил этиш бундан мустасно, монополияга қарши органнинг дастлабки розилиги олингандан сўнг амалга оширилади;

д) давлат буюртмачиси, стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамияти ва корхонаси билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект давлат **харидларини ёки энг яхши таклифларни танлаб олишнинг ёхуд тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси бўлиши мумкин эмас**, бундан давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидлари, шунингдек давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидлари мустасно;

е) давлат буюртмачиси, стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамияти ва корхонаси тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиб-таомиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилишидан аввал у билан **аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни давлат харидлари маҳсус ахборот порталида жойлаштиришга мажбурдир**.

3. Белгилаб қўйилсинки, қуидагиларни назарда тутувчи барча норматив-хукуқий ҳужжатлар **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг** тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда Кўмитанинг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаши натижалари асосидаги **хулосалари мавжуд бўлсагина** белгиланган тартибда қабул қилинади:

хўжалик юритувчи субъектларга янги чекловлар ва янги турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензиялар жорий қилиш ёки мавжуд чеклов, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензияланадиган фаолият турларини бозор иштирокчиларининг янада кенгроқ доирасига татбиқ қилишни;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этишни;

юридик шахслар устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талабларни оширишни;

хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган хукуқларини қисқартириш (камайтириш) ёки уларга қўшимча мажбуриятлар ёхуд қўшимча харажатлар жорий қилишни;

хўжалик юритувчи субъектларга ҳар қандай турдаги имтиёз, кафолат, преференцияларни белгилаш, шунингдек янги хукуқлар, шу жумладан эксклюзив хукуқларни беришни.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Кўмита билан биргалиқда бир ой муддатда норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг **тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисидаги низомни** ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Куйидагилар:

2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси 1-иловага мувофиқ;

2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган норматив-хуқуқий хужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни ялпи хатловдан ўtkазиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ;

2024 йилгача бўлган даврда ўзларига тартибга солиш бўйича бириктирилган тармоқларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати 4-иловага мувофиқ;

2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба (синов) тариқасида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2021 йил 1 январдан** бошлаб:

а) давлат харидлари ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари ижроилари:

тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш якунлари бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан ёки тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан **икки кун** мобайнида давлат харидлари маҳсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;

ўзларининг веб-сайтларида ва маҳсус ахборот порталида доимий асосда тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиб-таомиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек охирги уч йилда товар сотишдан олинган жами тушумининг ўртacha йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачиларда фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши хавфларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизими (**монополияга қарши комплаенс**) жорий этилади, бунда ушбу тизим:

2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба (синов) тариқасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида ҳамда 5-иловага мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналарда;

2022 йил 1 январдан бошлаб ушбу кичик бандда белгиланган мезонларга жавоб берадиган барча субъектларда жорий этилади.

6. Қўмита Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 ноябрга** қадар:

халқаро тажрибани ўрганиш асосида ва рақобат муҳитини шакллантириш механизмини тубдан такомиллаштириши назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунларини бирлаштирган ҳолда **ягона қонун лойиҳасини** ишлаб чиқсин;

эркин рақобат муҳитини олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва уни ривожлантириши назарда тутган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига ўрнатилган тартибда ўзгартириш ва қўшимчаларни киритсин.

7. Давлат солиқ хизмати органларининг 28 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасидаги Бизнес муҳитини яхшилаш ва замонавий иқтисодиётни шакллантириш департаментининг штатлар сони 8 та штат бирлигига оширилсин ва унга қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш вазифаси юклатилсин;

Кўмита тузилмасида Давлат кўмагини беришни назорат қилиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинсин, унга ва Савдоларни назорат қилиш бошқармасига қўшимча 20 та штат бирлиги киритилсин.

8. Ушбу Фармоннинг 4-иловасида келтирилган вазирлик ва идоралар Кўмита ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргалиқда **2021 йил 1 февралга қадар** ўзларига тартибга солиш бўйича бириктирилган тармоқларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқсин ва уларни тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Кўмита:

а) **бир ой муддатда** рақобатни таъминлаш ва истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини тубдан такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) **2020 йил 1 октябрга қадар** Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги ва “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунларига давлат буюртмачилари, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган шахсларга, шунингдек ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаган ёки улар тўғрисида нотўғри маълумот тақдим этган давлат харидлари ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар харидлари ижрочиларига тендер ва танлов савдоларида, энг яхши таклифларни танлаб олиш тартибтаомилларида ва тўғридан-тўғри музокараларда иштирокини тақиқлашни ва бундай қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш тўғрисида таклиф киритсин;

в) Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2020 йил 1 октябрга қадар давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш)да дастлабки розилик олиш тартиби тўғрисидаги низомни;

2020 йил 15 октябрга қадар харидлар жараёнида давлат буюртмачилари, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар ўзларининг аффилланган шахслари ҳақидаги, шунингдек харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан ўзларининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) ҳақидаги маълумотларни мажбурий ошкор этиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин;

г) Молия вазирлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 ноябрга қадар** тақдим этилган имтиёз миқдорларини кутилаётган натижалар ва олинган мажбуриятларга, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобат муҳитига таъсири даражасини тизимли равишда мониторингини юритиш ва самарадорлигини баҳолаш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Молия вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 январга қадар** стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали харидларни амалга оширишни тўлиқ электрон шаклда, Интернет тармоғи орқали онлайн тарзда амалга оширишга ўтказишни таъминласин;

е) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда халқаро молиявий ташкилотларнинг, шу жумладан Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг техник кўмагини жалб қилиш орқали:

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотининг (ОЭСР) Товар бозорларини тартибга солиш Индекси (Product Market Regulation-PMR) асосида республикада иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобат муҳити диагностикасини амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқсин ҳамда хорижий амалиёт асосида монополияга қарши курашишнинг янги самарали инструментларини жорий қилсин;

янги таҳрирдаги “Рақобат тўғрисидаги” қонуни лойиҳасини ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни ва услугий қўлланмаларни ишлаб чиқиша етакчи халқаро эксперталарни жалб қилсан;

ривожланган давлатларнинг монополияга қарши курашиш органлари, шу жумладан Халқаро рақобат тармоғи (International Competition Network) билан рақобатни ҳимоя қилишдаги долзарб масалаларнинг муҳокамасини амалга ошириш учун тизимли мулоқотни ўрнатсан;

монополлашган соҳаларни таҳдил қилиш ва уларда рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши, шунингдек Кўмитанинг институционал салоҳиятини оширишга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсан;

ж) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 марта қадар** амалдаги маълумотлар базалари билан интеграциялашган ҳолда фойдаланиш имконини берувчи, онлайн режимда товар ва молия бозорларида хусусий тадбиркорлик субъектларининг мавжудлигини, шунингдек, давлат харидларини амалга оширишда иштирок этаётган аффилланган шахсларни аниқлашга хизмат қилувчи электрон тизимни жорий қилсан.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритишга оид чиқишлиар ва тематик дастурларни ташкил этиш тавсия этилсан.

11. Кўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига
1-илова

2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Стратегияни қабул қилиш шарт-шароитлари ва зарурияти

Бугунги кунда, самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда товарлар ва хизматлар бозоридаги монополияни босқичма-босқич камайтириш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда, мамлакат иқтисодиётида давлат иштирокини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ва бозор механизмларига ўтиш амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти соҳасида **86** та айрим лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-тамойиллари, шу жумладан **38** та турини **16** тага бирлаштириш, **25** та тури бўйича расмийлаштириш муддатларини қисқартириш ҳамда **14** та лицензия ва рухсат берувчи хужжатларни беришни марказлаштириш орқали бекор қилинди ва солиқ юки камайтирилди.

Тадбиркорлик соҳаси изчил ривожланаётгани қайд этилмоқда, сўнгги уч йилнинг ўзидаёқ амалдаги тадбиркорлик субъектлари сони **25 фоизга** ошди.

Кўрилаётган чоралар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган кўплаб озиқ-овқат (алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, нон, нон маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда айрим ноозиқ-овқат товарлар (мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари, тўқимачилик ва бошқалар) бозорларида рақобатнинг ривожланишини таъминлади. Курилиш материаллари, кабель ва сим маҳсулотлари, пул ўтказмалари хизматлари бозорида йирик компанияларнинг монополияси тугатилди.

Яратилган биржа механизми бозор иштирокчиларини юқори ликвидли ва монопол турдаги хом ашё ва материаллар билан бир хилда таъминлаш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси товар айланмасининг **65 фоизини** монопол маҳсулотлар ташкил этади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда монопол корхоналар сони икки баравардан ортиққа камайди.

Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган қуидаги тизимли муаммолар ҳал этилмаган:

иқтисодиётда давлатнинг ҳаддан зиёд юқори иштироки;

нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши;

имтиёз ва преференцияларнинг самарасиз тизими;

бизнес субъектларига юқори тартибга солиш юки ва тармоқ тартибга соловчи органларнинг рақобатни ривожлантиришдан манфаатдор эмаслиги;

табиий монополия ҳолатини суистеъмол қилиш;

рақобатга қарши ҳолатларга қарши курашиб хуқуқий механизмларнинг такомиллашмаганлиги.

§1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки

Бугунги кунда товар ва молия бозорларида давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар устун мавқега эга бўлиб қолмоқда, масалан, монопол ташкилотларнинг **80** фоизи давлат улушкига эга ёки давлат улушкига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг давлатга тегишлилиги ва давлат томонидан назорат қилиниши масаласи қонун хужжатларида тартибга солинмаганлиги туфайли давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки даражасини аниқлашда қийинчиликлар сақланиб қолмоқда.

Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар рақобат ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган **давлат унитар корхоналари (ДУК) ва шўъба корхоналар** кўринишида ўзларининг назорати остидаги тузилмалар ташкил этмоқда. Бугунги кунда бундай корхоналар сони **4 300 тадан ортиқни** ташкил этмоқда, шу жумладан акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлари шаклида – **1 300 тадан ортиқ**, давлат унитар корхонаси шаклида – **1 800 тадан ортиқ** ва уларнинг аффилланган шахслари – **1 100 тадан ортиқ**.

Бозор мұхитининг ривожланмаганлиги ва давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки давлат иштирокидаги алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарасизлигига олиб келмоқда, бу эса “ўзаро кесишувчи” субсидиялаш, солик ва божхона имтиёзлари, преференциялар, имтиёзли кредитлар тақдим этиш кўринишидаги давлат кўмаги орқали қопланмоқда.

Молия ва капитал бозорларида (биржа, марказий депозитарий, банклар) давлатнинг иштироки ва унинг ваколатларининг юқори концентрацияси сақланиб қолмоқда, бу эса манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармоқда ва бозор механизмларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Масалан, фонд биржасидаги қимматли қоғозлар операциялари бўйича ҳисоб-китоб хизмати давлатга тегишли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг монополияси ўрнатилган. Умуман олганда, банк секторининг **83 фоизи** давлат иштирокида фаолият кўрсатмоқда.

§2. Нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши

Бугунги кунда давлат томонидан нархларни тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни), тартибга солиш коэффициентини, устама ва рентабелликнинг чегараланган даражасини ўрнатиш ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуслари) **30 дан** ортиқ товар ва хизматларга нисбатан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, табиий монополиялар соҳасида **10 хил турдаги** товар (иш, хизмат)лар тартибга солинишига қарамасдан, амалда истеъмолчилар ва етказиб берувчилар тоифалари, шунингдек, ҳудудий принципга қараб ўрнатиладиган **137 хилдаги** нарх даражалари орқали тартибга солинмоқда.

Монопол корхоналар ва табиий монополия субъектлари томонидан фойдаланилаётган харажатларга асосланган нархларни шакллантириш усули харажатларга минимал фойдани қўшиш схемасидан иборат бўлиб, у харажатларнинг асоссиз ўсишига ундейди, ишлаб чиқариш таннархининг пасайишини рағбатлантирмайди, харажатларнинг ўсиши эса, нархлар ва тарифларнинг истеъмолчилар учун тўғридан-тўғри ошириш ҳисобига қопланади.

§3. Имтиёз ва преференциялар тақдим этишнинг самарасизлиги

Давлат кўмагини кўрсатишнинг монополияга қарши тартибга солиш воситалари мавжуд эмаслиги берилаётган имтиёз ва преференцияларнинг самарасизлигига олиб келмоқда ва рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда **40 мингдан** зиёд хўжалик юритувчи субъектларга, яъни фаолият юритаётган субъектлар умумий сонининг **12 фоизига** солиқ имтиёzlари берилган. Бундай вазият товар ва молия бозорларида тенг бўлмаган шароитларни вужудга келтиради.

§4. Бизнес субъектларига тартибга солиш юкининг юқорилиги ва тармоқни тартибга соловчи органларнинг ўз соҳасида рақобатни ривожлантиришга манфаатдор эмаслиги

Вазирлик ва идораларнинг ўзлари томонидан тартибга солинадиган тармоқларда рақобатни ривожлантириш бўйича фаолияти сустлигича қолмоқда. Иқтисодиёт соҳасида мавжуд **38 та** давлат органидан фақатгина **11 тасига** ўз соҳасида рақобатни ривожлантириш бўйича тўғридан-тўғри функциялар юклатилган.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини ва рақобат муҳитига таъсирини баҳолашнинг тўлақонли тизими татбиқ этилмаган.

Бунинг натижасида, амалдаги **61 гага** яқин лицензиялар доирасида **266 тадан** ортиқ фаолият турини лицензияланиши ҳамда **137 турдан** ортиқ рухсат бериш тартиб тамойилларини назарда тутувчи қийин ва мураккаб лицензиялаш тизими, шунингдек, бизнесга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи **6 мингдан** ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва **40 мингта** техник жиҳатдан тартибга соловчи ҳужжатларда тадбиркорлик субъектларининг бозорларга кириши учун сунъий тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Қонун ҳужжатларида тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлигининг барча асосий кафолатлари мустаҳкамланган бўлса-да, Жаҳон банки маълумотларига кўра охирги йилларда Ўзбекистонда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соғ оқими кўрсаткичи пастлигича қолиб ЯИМга нисбатан **0,5-1,2 фоизни** ташкил этмоқда, Иқтисодий эркинлик индексида мамлакатимиз **180 та давлат орасида 114-ўринни** эгалламоқда, Инвестиция фаолиятини эркинлик индикатори бўйича кўрсаткич **100 дан 20 га тенг** бўлмоқда.

§5. Табиий монополия ҳолатини суистеъмол қилиш

Чекланган рақобат муҳитига эга бўлган бозорларнинг, биринчи навбатда, табиий монополиялар соҳаларининг мавжудлиги, ўзаро боғлиқ бўлган бозорларга таъсир қилиб, аксарият ҳолларда, уларни монополлаштиради.

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун хужжатлари, табиий монополия субъектларига табиий монополия соҳасига киритилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларидағи рақобатни чеклаш учун ўз мавқеидан фойдаланишни ман этилганлигига қарамасдан, бугунги кунда бир қатор ўзаро боғлиқ рақобат таъминлаш имконияти мавжуд бўлган бозорлар, мисол учун, темир йўллари транспорти соҳасида – темир йўллари чипталарини сотиш, юк вагонларини таъмирлаш, вагон-ресторанлар хизматлари, вагонларни тозалаш ва бошқа бозорлар амалда монополлаштирилган.

§6. Рақобатга қарши ҳаракатларга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллашмаганлиги

Бозорга кириш учун тўсиқларни бартараф этишда, йирик корхоналар монополиясига ва “картель” келишувларга қарши курашишда, инсофсиз рақобатнинг олдини олишда таъсирчан механизмлар мавжуд эмас ва амалда монополияга қарши органнинг қарорлар қабул қилишда мустақиллиги чекланган.

Рақобатни чеклашга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини оловчи чоралар тизими шаклланмаган, йирик корхоналарни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимлар устидан таҳлил ўтказиш ва самарали монополияга қарши назоратни амалга ошириш механизми ўрнатилмаган, савдолар жараёнида рақобатни чеклашни олдини олишнинг ҳуқуқий механизмлари самарасизлигича қолмоқда, монополияга қарши орган фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаган.

2-боб. Стратегиянинг мақсади ва вазифалари

2.1. Стратегиянинг асосий мақсади самарали фаолият юритадиган бозорларни ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобига иқтисодий ўсишни ва инновацияларни рағбатлантириш, инвестициялар оқимини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади.

2.2. Стратегиянинг асосий вазифалари қуидагилар ҳисобланади:

рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш;

шаффофлик ва кириш учун тенг шароитларни таъминлаган ҳолда самарали фаолият юритадиган бозорларни яратиш;

тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юкини ва харажатларини, иқтисодиётда давлатнинг иштироки даражасини камайтириш, шунингдек, давлат кўмаги тақдим этилишини тартибга солиш;

нархларни (тарифларни) давлат томонидан оқилона тартибга солиш тизимини яратиш;

табиий монополиялар соҳаларининг рақобат мавжуд бозор ҳолатига ўтиши учун тўсиқларни бартараф этиш;

рақобат чекланишини олдини олувчи воситаларни жорий этиш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига нисбатан, биринчи навбатда, “картель” келишувлар ва тил бириктиришларга нисбатан хуқуқий таъсир чораларини кучайтириш;

рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишнинг самарали воситаларини жорий этиш;

монополияга қарши орган фаолиятининг шаффофлигини ва самарадорлигини таъминлаш, жамиятда рақобат маданиятини ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизликни шакллантириш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадрлари салоҳиятини тизимли шаклда ошириб бориш.

3-боб. Стратегияни амалга ошириш бўйича асосий чора-тадбирлар

3.1. Қуидагилар орқали рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш:

бозор иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишга ўтишни назарда тутувчи “ақлли” монополияга қарши тартибга солиш моделини жорий қилиш, ҳалол рақобатни рағбатлантирувчи тизимни яратиш, жараёнларни рақамлаштириш орқали рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдиндан йўл қўймаслик (профилактика) механизmlарини жорий этиш;

хулқ-атвор иқтисодиёти (behavioral economics) тамойиллариға асосланған товар ва молия бозорларини таҳлил қилиш воситаларини жорий этиш;

Бутунжағон иқтисодий форуми Глобал рақобатбардошлик индекси ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти товар бозорини тартибга солиш индекси методологияси асосида товар ва молия бозорларидан рақобат ҳолатини мунтазам диагностика қилиш;

бозор иштирокчиларига нисбатан маъмурий юкни камайтириш мақсадида монопол корхоналар Давлат реестри ва табиий монополиялар Давлат реестрларини юритишни бекор қилиш;

бозор улушига асосланған устунлик мавқени аниқлаш мезонларини қайта күриб чиқиш ва бозордаги устунлигини аниқлашда бозор иштирокчиларининг рақобатта зид хулқ-атворини баҳолашга ўтиш;

бозор концентрациясини (қўшиб юбориш ва қўшиб олиш) тартибга солишда жараёнларни рақамлаштириш ва рақобатга бўлган таъсирини баҳолаш сифатини ошириш йўли билан янада такомиллаштирилган механизмини яратиш;

тармоқлардан ва фаолиятни ҳалол амалга оширишдан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектларни тоифалаштиришни назарда тутувчи монополияга қарши давлат назоратини амалга оширишда хавф-хатарга асосланған ёндашувни жорий этиш.

3.2. Самарали фаолият қўрсатадиган бозорларни яратиш, уларнинг шаффоғлигини ва кириш учун teng шароитларни таъминлаш, шу жумладан:

асосий товар ва молия бозорларда бозор иштирокчилари сонини қўпайтириш ва улар учун киришни соддалаштириш ҳисобига уларнинг самарадорлигини оширишни назарда тутувчи рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

тендер савдолари жараёнида рақобат тўғрисидаги қонун бузилишларини аниқлаш механизмини кучайтириш ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан кичик бизнес субъектларига давлат харидлари жараёнларида қатнашиш учун teng имконият яратиш;

стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналарга монополияга қарши талабларни киритиш йўли билан уларнинг харидлари жараёнида рақобатни таъминлаш;

биржа савдоларига чиқариладиган товарлар номенклатурасини кенгайтириш ва уларга тадбиркорлик субъектларининг эркин киришини таъминлаш орқали биржа савдолари механизмини такомиллаштириш;

биржа савдолари жараёнида юқори талаб даврида нархларнинг манипуляциясини олдини олиш бўйича монополияга қарши таъсир кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

чакана ва улгуржи савдога нисбатан монополияга қарши талабларни жорий этиш.

3.3. Қуйидагилар орқали тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юки ва харажатларини, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини камайтириш ва давлат кўмагини кўрсатилишини тартибга солиш:

норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш;

норматив-хуқуқий хужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни монополияга қарши қонун хужжатларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан “гильотина” усулидан фойдаланган ҳолда комплекс ўрганиб чиқиш;

амалдаги лицензия турлари ва бошқа рухсат берувчи хужжатларни қайта кўриб чиқиш, кейинчалик уларни қамида икки бараварга қисқартириш;

давлатнинг иқтисодиётда иштирок этиш мақсадларини белгилаш механизмини жорий қилиш ва бозорда хусусий сектор мавжуд бўлган ҳолда давлат корхоналари ташкил этилишини чеклашни кўзда тутувчи “сариқ саҳифалар” тамойилига ўтиш;

рақобат муҳитига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил қилишда монополияга қарши орган розилигини олиш механизмини жорий қилиш;

давлат органларининг айрим давлат ва хўжалик функцияларини бажариш учун хусусий секторни жалб қилиш бўйича дастурларни тайёрлаш;

рақобатга салбий таъсир кўрсатадиган давлат органлари томонидан таъсис этиладиган, шунингдек, давлат иштирокидаги йирик хўжалик бирлашмалари ва табиий монополия субъектлари билан аффилланган давлат унитар корхоналари сонини қисқартириш;

рақобат түғрисидаги қонун хужжатларига “давлат құмаги” тушунчасини ҳамда имтиёзлар ва преференциялар берилшида монополияга қарши органинг олдиндан розилигини олишни назарда тутувчи механизмни жорий қилиш;

имтиёз ва преференцияларнинг реестрини жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини бақолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

давлат томонидан берилган имтиёз ва преференцияларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

үзини үзи тартибга солиш механизми каби давлат томонидан тартибга солишга муқобил бўлган механизмларни жорий қилиш.

3.4. Рақобатни рағбатлантирувчи таъсирни вужудга келтирувчи нархларни шакллантиришнинг юқори самарали усулларини қўллаган ҳолда нархларни (тарифларни) давлат томонидан оқилона тартибга солиш тизимини яратиш:

иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, истеъмолчиларнинг манфаатлари, харажатларни камайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан харажатларини пасайтириш ва сармоянинг қайтишини рағбатлантиришга асосланган товар ва молия бозорларидаги нархларни (тарифларни) шакллантиришда бозор механизмларига тўлақонли ўтиш;

табиий монополия субъектлари фаолиятида рақобатни рағбатлантириш эфективини яратувчи нархларни шакллантиришнинг прогрессив бозор механизмларини (инвестиция қилинган сармоянинг иқтисодий асосланган рентабеллиги усули (Regulatory Asset Base), қиёсий таҳлил ва бошқалар) жорий қилиш;

тартибга солинадиган хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг асослилигини аниқлаш учун таққосланадиган бозорлар ва ўзаро боғлиқ бозорларда нархларнинг “қиёсий қийматлари” усулидан фойдаланишни назарда тутадиган тартибга солинадиган нархлардан фойдаланишни мониторинг қилишнинг янги моделини ишлаб чиқиш.

3.5. Куйидагилар орқали табиий монополия соҳаларининг рақобат бозори ҳолатига ўтиши учун тўсиқларни бартараф этиш:

табиий монополия субъектлари фаолияти ва ишлашини, шу жумладан ўзаро боғлиқ бозорларда рақобат шароитларини яратиш имконияти нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш;

табиий монополия субъектлари фаолиятининг шафофлигини ва уларнинг инфратузилмасига хўжалик юритувчи субъектларнинг камситишиз киришини таъминлаш;

электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотиш функцияларини хусусий секторга ўtkазиш ва электр энергиясининг улгуржи бозорини босқичма-босқич шакллантириш;

темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш бозорида рақобатни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

3.6. Рақобатни ҳимоя қилишда қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига олдиндан йўл қўймаслик (профилактика) воситаларини, шу жумладан давлат органларида ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенсни – рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши хавф-хатарларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички тартиб-қоидалар тизимини жорий қилиш.

3.7. Қуйидагилар орқали тил бириктиришлар ва “картель” келишувларини бартараф этиш чора-тадбирларини кучайтириш ва ҳалол рақобатни рағбатлантириш:

ижтимоий аҳамиятга эга ва монопол турдаги товарлар ва хизматлар нархларини доимий кузатиб боришининг янги механизмини ишлаб чиқиш;

тил бириктиришлар ва “картель” келишувларига қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан битимлар тузиш;

“картель” келишувларини аниқлаш мақсадида “юмшатувчи ҳолатлар” дастури самарадорлигини ошириш йўли билан жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан “картель” келишувлари ва тил бириктиришларга нисбатан таъсир чоралари ва жарима санкцияларини қайта кўриб чиқиш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларига самарали чек қўйиш учун муайян ҳолатларда монополияга қарши аралашувнинг қути чегарасини жорий этиш;

ноҳалол рақобат ҳолатларини содир этганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш;

интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузадиган ноҳалол хўжалик юритувчи субъектлар реестрини юритиш;

информацион технологиялар ёрдамида Интеллектуал мулк агентлиги билан ахборот алмашинувининг янги механизмларини жорий қилиш;

монополияга қарши қурашиб органи ҳузурида ҳуқуқшунослар, патент вакиллари ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги мутахассисларидан тузилган маҳсулотнинг ўхшашлик даражасини баҳолаш бўйича эксперт комиссиясини ташкил қилиш.

3.8. Қўйидагилар орқали рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишининг самарали воситаларини жорий этиш:

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига “рақамли бозорлар” тушунчасини киритиш, уларнинг географик ва товар чегараларини ҳамда тартибга солиш усулларини белгилаш;

рақамли бозорларда устун мавқени аниқлаш мезонларини жорий этиш;

электрон тижорат орқали савдоларнинг монополияга қарши қоидаларини жорий этиш;

монополияга қарши тартибга солиш мақсадида “RegTech” (рақамли бозор иштирокчилари томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини самарали қўллашга имкон берувчи тартибга солиш технологиялари) концепциясига асосланган рақамли платформани яратиш;

рақамли бозорларда инновацияларни ортиқча тартибга солиш ҳужжатларисиз синаш имкониятини берувчи маҳсус ҳуқуқий режим – “тартибга солиш қумдони” (regulatory sandbox)ни яратиш.

3.9. Қўйидагилар орқали монополияга қарши орган фаолиятининг шаффоғлигини ва самарадорлигини таъминлаш, жамиятда рақобат маданиятини ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизликни шакллантириш:

жамоат ташкилотлари, эксперталар ва бизнес ҳамжамиятлари билан ўзаро муносабатларни кучайтириш ва уларни соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ишларига кенг жалб қилиш мақсадида “Рақобат 4.0” мунозаралар платформасини (майдончасини) янада ривожлантириш;

рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича Экспертлар кенгашини тузиш;

рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича нодавлат ташкилотларни шакллантириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти методикасига мувофиқ товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ривожланиши қўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти самарадорлигининг асосий қўрсаткичларини (КРІ) жорий қилиш;

рақобатни чеклаш ҳолатларини аниқлаш ва таъсир чораларини қўллаш тезкорлигини ошириш мақсадида Монополияга қарши курашиш қўмитасининг фаолиятига инновацион ишланмалар ва ахборот технологияларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари учун рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларига оид бозор кўнікмаларини шакллантириш ва билимларни ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш.

3.10. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадр салоҳиятини тизимли ошириш, шу жумладан:

олий таълим муассасалари ўқув дастурларига монополияга қарши тартибга солиш ва рақобат ҳуқуқи бўйича кадрлар тайёрлаш бўйича маҳсус йўналишларни жорий этиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати ва худудий органлари ходимлари учун рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларини қўллаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.

4-боб. 2024 йилга қадар эришиладиган Стратегия самарадорлигининг мақсадли қўрсаткичлари

1. Монополлашган товар бозорлари сонини камида **45 фоизга** камайтириш.

2. Монопол корхоналар сонини **40 фоизга** қисқартириш.

3. Монопол корхоналарнинг камида **80 фоизида** монополияга қарши комплаенс тизимини жорий қилиш.

4. Иқтисодиётда тақдим этилган имтиёзлар ҳажмини ЯИМ қўрсаткичига нисбатан **10 фоизгача** камайтириш.

5. Эксклюзив ҳуқуқлар ва преференцияларни тақдим этишини кўзда тутган норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг камидаги **60 фоизини** бекор қилиш.

6. Иқтисодий эркинлик индексида Инвестицион фаолият эркинлиги индикатори бўйича кўрсаткични **20 дан 80 гача** ошириш.

7. Глобал рақобатбардошликтан индексида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши ва унинг кўрсаткичларини изчил равишда яхшилаш.

8. Товар, молия ва рақамли бозорлар иштирокчилари сонини камидаги **25 фоизга** ошириш.

9. Давлат харидлари иштирокчилари сонини **40 фоизга** ошириш.

10. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки кўрсаткичини ЯИМ кўрсаткичига нисбатан **40 фоизгача** пасайтириш.

11. “Тартибга солиш гильотина” усули фойдаланган ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлардаги тадбиркорлик фаолиятини қийинлаштирувчи ва рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи нормаларни камидаги **30 фоизга** қисқартириш.

**2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш
стратегиясини амалга ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
I. Рақобатни ривожлантириш ва ҳимоялаш тизимини трансформациясини амалга ошириш				
1.	Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олиш тизимидан рақобатни ҳимоя қилишда қонун бузилишларини олдиндан йўл қўймаслик (профилактик) тизимида ўтишни назарда тутувчи “акёлли” монополияга қарши тартибга солишининг прогрессив моделини яратиш.	1. “Рақобат тўғрисида”ги қонунга қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш: монопол ташкилотлар ва табиий монополия субъектларининг реестрини юритишни бекор қилиш; “устун музокара кучи” тушунчасини киритиш ҳамда уни назорат қилиш усулларини аниқлаштириш; рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини самарали олдини олиш учун муайян ҳолларда аралашув учун қуий чегарани кенгайтириш. 2. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олишда маҳсус кўрсатмаларни (guidelines) ишлаб чиқсан ҳолда тушунтиришлар бериш институтидан фойдаланишни кенгайтириш.	2020 йил октябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
2.	Товар, молия ва рақамли бозорларни таҳлил қилишининг мослашувчан воситаларини, шу жумладан хулқ-атвор иқтисодиёти тамоилларига асосланган усулларни жорий этиш (behavioral economics).	1. “Рақобат тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, монопол мавқени аниқлашда муайян бозор улуши кўрсаткичидан воз кечиш, асосий эътиборни бозор ҳукмронлигини сунистеъмол қилиш ҳолатларига қаратиш. 2. Товар, молия ва рақамли бозорлар иштирокчилари хулқ атворини таҳлил қилиш тартибини ишлаб чиқиш.	2020 йил октябрь 2020 йил октябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
		3. Товар ва молия бозорлари иштирокчиларининг рақобат түғрисидаги қонун хужжатларига тўлиқ риоя қилишини рағбатлантирувчи хулқ-атвор иқтисодиёти ёндашувларини, шу жумладан “юмшоқ туртки бериш” (nudging) концепциясини жорий этиш мақсадида рақобат сиёсатида институционал инновациялар лабораториясини ташкил этиш.	2021 йил апрель	
3.	Иқтисодиётда мұхити ҳолатини қилиш.	1. Глобал рақобатбардошлиқ индекси методологиясининг “Товар бозорларининг самарадорлиги” индикатори асосида товар бозорларида рақобат ҳолатининг таҳлилини ўтказиш ва “Йўл ҳаритаси”ни ишлаб чиқиши. 2. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг методикаси асосида товар бозорини тартибга солиш индексини (PMR) ҳисоблаш. 3. Рақобат ҳолати түғрисида йиллик ҳисобот тайёрлаш.	2020 йил август 2021 йил март 2020 йил декабрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов)
4.	Соҳавий “бозорларни ўтиш.” бошқарувдан бошқариш”га	Давлат органларининг низомларига ўзларига тартибга солиш бўйича бириктирилган соҳаларда ўз вазифалари доирасига рақобатни ривожлантириш бўйича функционал мажбуриятларни киритиш йўли билан давлат органларининг рақобатни ривожлантириш масъулияtlарини ошириш.	2020 йил декабрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
5.	Давлат монополияга қарши назоратини амалга оширишда қонун хужжатлари талаблари бузилиши хавф-хатарга асосланган ёндашувни жорий этиш.	Рақобат түғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини хавф-хатар категориялари бўйича таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиши.	2020 йил октябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
II. Самарали фаолият кўрсатадиган бозорларни яратиш, шаффофикни ва уларга кириш учун тенг шароитларни таъминлаш				
6.	Товар ва молия бозорларига янги иштирокчиларнинг киришини соддалаштириш.	Асосий товарлар ва молиявий бозорларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиши, шу жумладан: фармацевтика бозорида; курилиш ва қурилиш материалларини ишлаб чиқишида; банк секторида; телекоммуникация хизматларида (интернет, мобиЛЬ алоқа); нефть маҳсулотларини ишлаб чиқаришида; кимёвий ва минерал ўғитларни ишлаб чиқаришида; озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришида.	2020 йил декабрь	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (<i>С. Кариеев</i>), Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Марказий банк (<i>М. Нурмуратов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиков</i>), Энергетика вазирлиги (<i>А. Султанов</i>), “Ўзқимёсаноат” АЖ (<i>Ж. Мирзамахмудов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>)
7.	Товар ва молия бозорларида рақобат шартларини таъминлаш.	Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари кесимида монополияга қарши талаблар ва қоидалар ишлаб чиқиши.	2021 йил январь	Монополияга қарши курашиш кўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), тармоқларни тартибга солувчи вазирлик ва идоралар
8.	Давлат харидлари соҳасида монополияга қарши тартибга солишини такомиллаштириш.	1. Давлат харидлари жараёнида келишилган ҳаракатларни олдини олиш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга буюртмачилар вакилларининг сонини чеклаш ва иштирокчиларнинг аффилланганлигига кўйилган талабларни киритиш.	2020 йил ноябрь	Монополияга қарши курашиш кўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
		2. Тендер савдолари жараёнида рақобат түғрисидаги қонун ҳужжатлари талабарини бузилишини аниқлаш тартибини тасдиқлаш.		
9.	Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг харидларида рақобатни таъминлаш.	Стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харид қилиш жараёнларига монополияга қарши талабларни киритиш.	2020 йил сентябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
10.	Биржа савдолари механизмини такомиллаштириш ва биржа савдолари учун товарлар турларини кенгайтириш.	1. Жараённи электронлаштириш орқали юқори ликвидли ва монопол турдаги товарларнинг савдога чиқарилишини мониторинг қилиш тартибини тасдиқлаш. 2. Юқори талаб бўлган даврда биржа савдоларида монополияга қарши чоралар кўриш ва нархларнинг манипуляциясини олдини олиш тартибини тасдиқлаш.	2021 йил февраль	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов)
11.	Улгуржи ва чакана савдо жараёнида рақобатни таъминлаш.	Улгуржи ва чакана савдо учун монополияга қарши талабларни рақобат түғрисидаги қонун ҳужжатларига киритиш.	2021 йил май	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов)
III. Тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юки ва харажатларини, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини камайтириш ва давлат кўмаги кўрсатилишини тартибга солиш				
12.	Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг салбий камайтириш.	1. Норматив-хуқуқий базанинг монополияга қарши “комплекс тафтишни” амалга ошириш – камида 3 мингта норматив-хуқуқий ҳужжатларни ва 20 мингта техник тартибга солиш бўйича ҳужжатларни “гильотина” усулидан фойдаланган ҳолда рақобатга зид меъёрлардан тозалаш. 2. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг таъсирини “ex-ante” ва “ex-post” тамоилии асосида баҳолаш.	2020 йил сентябрь-2021 йил март	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов)
			2020-2023 йиллар	

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
13.	Давлат корхоналарини ташкил қилишда рақобатни рағбатлантирувчи механизмни жорий қилиш.	<p>1. Давлатнинг иқтисодиётда иштирок этиши мақсадларини белгилаш механизмини жорий қилиш ва бозорда хусусий корхоналар мавжуд бўлган ҳолда давлат корхоналари ташкил этилишини чеклашни кўзда тутувчи “сариқ саҳифалар” тамойилига ўтиш.</p> <p>2. Давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил қилишда монополияга қарши орган розилигини олиш механизмини жорий қилиш.</p>	2020 йил сентябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>С. Бекенов</i>)
14.	Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар назорати остидаги давлат унитар корхоналари ва хўжалик юритувчи субъектлар сонини қисқартириш.	<p>1. Давлат унитар корхоналари, йирик давлат компаниялари ва табиий монополия субъектлари билан аффилланган бозорлардаги рақобатга салбий таъсир кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўрганиш.</p> <p>2. Давлат унитар корхоналарни бошқа ташкилий-хуқуқий шаклларга айлантириш ҳамда алоҳида субъектлар сифатида йирик хўжалик бирлашмалари таркибидан ажратиш бўйича «Йўл харитасини» ишлаб чиқиш.</p>	2020 йил сентябрь 2020 йил октябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>С. Бекенов</i>)
15.	Инвестицияларни жалб қилиш орқали давлатнинг ва йирик корхоналарнинг иқтисодиётдаги улушкини қисқартириш.	<p>1. Йирик давлат корхоналари ва акциядорлик жамиятларини оммавий жойлаштиришга тайёрлаш.</p> <p>2. Давлат корхоналарида корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисобдорликнинг халқаро стандартларига ўтказиш.</p> <p>3. Мунтазам равища молиявий ҳисботларни ва маълумотларни, шу жумладан хорижий тилларда чоп этиш орқали давлат корхоналари фаолиятининг шаффоғлигини ошириш.</p>	2020-2024 йиллар	Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>С. Бекенов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
16.	Рақобат мұхитини ривожлантириш ҳамда хусусий секторни давлат органлары хұжалик функцияларини бажарувчи алоҳида соқаларга жалб қилиш.	Күйидеги соқаларда аккредитация тизими ва бозор иштирокчиларини мажбурий сұғурталашни жорий этиш орқали айрим давлат вазифаларини хусусий секторга ўтказиш бүйіча дастурни ишлаб чиқиш: курилишдаги техник назорат; сертификатлаштириш, ўлчаш воситаларини калибрлаш ва ўлчаш воситаларини қиёслаш; кадастр ишларини бажариш.	2021 йил январь	Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (Д. Саттаров), “Давергеодезкадастр” давлат құмитаси (Х. Турахужаев), Монополияга қарши курашиш құмитаси (Н. Шарипов)
17.	“Давлат күмаги”нинг самарадорлигини ошириш.	1. Рақобат тұғрисидеги қонун ҳұжжатларида имтиёз ва преференциялар күринишидеги “давлат күмаги”ни беришда монополияга қарши курашиш органининг олдиндан розилигини олиш механизмини жорий этиш. 2. Имтиёз ва преференцияларнинг самарадорлиги мезонларини ишлаб чиқиши. 3. Имтиёз ва преференциялардан фойдаланувчи хұжалик юритувчи субъектлар рўйхатини шакллантириш.	2020 йил октябрь	Монополияга қарши курашиш құмитаси (Н. Шарипов)
18.	Имтиёз преференцияларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш.	1. Күйидеги соқаларда имтиёз ва преференцияларнинг самарадорлигини ўрганиш: телекоммуникациялар; автомобилларни ишлаб чиқариш; электротехника саноати; қишлоқ хұжалиғи машинасозлиги; ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш; минерал ўғитларни ишлаб чиқариш. 2. Алоҳида соқаларга берилган имтиёз ва преференцияларни мақбуллаштириш (бекор қилиш) бүйіча таклифларни киритиш.	2020 йил декабрь 2020 йил декабрь	Монополияга қарши курашиш құмитаси (Н. Шарипов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Давлат солиқ құмитаси (Ш. Кудбиев), Давлат божхона құмитаси (М. Азимов)

T/p	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
19.	Рақобат муҳитига салбий таъсир этувчи давлат иштирокидаги йирик монополияларни мажбурий бўлиб юбориш.	<p>1. Амалдаги давлат иштироки мавжуд йирик монопол корхоналарни бозордаги хулқ-авторини таҳлил қилиш ва уларнинг хатти-ҳаракатларида рақобат муҳитига салбий таъсири мавжудлигини ўрганиш.</p> <p>2. Рақобат муҳитига салбий таъсир этувчи давлат иштирокидаги йирик монополияларни белгиланган тартибда мажбурий бўлиб юбориш бўйича таклиф киритиш.</p>	2021 йил март	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
IV. Тарифларни шакллантиришнинг юқори самарали, яъни рақобатни рағбатлантирувчи таъсирни вужудга келтирувчи усулларни қўллаган ҳолда нархларни (тарифларни) давлат томонидан оқилона тартибга солиш тизимини яратиш				
20.	Рақобатдош товар ва молиявий бозорларда нарх (тариф)ларни шакллантиришда бозор механизмига тўлиқ ўтиш.	Давлат томонидан нархларни тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ўрнатиш, тартибга солувчи коэффициент, устама ва рентабелликнинг чегараланган даражаси ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуллари) тартибини қайта кўриб чиқиш.	2020 йил декабрь	Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
21.	Табиий монополия субъектларининг нархни шакллантириш усулларини ҳамда нархни шакллантиришга бўлган ёндашувини кўриб чиқиш.	Нархларни шакллантиришда прогрессив бозор механизмлари (иқтисодий асосланган инвестиция қилинган сармоя рентабеллиги (Regulatory Asset Base) усули, таққослаш таҳлили ва бошқа усуллар)ни жорий қилиш орқали табиий монополия субъектларида рақобатни рағбатлантириш таъсирини яратиш.	2021-2024 йиллар	Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
22.	Тартибга солинадиган нархлар қўлланилиши устидан мониторинг қилиш механизмини такомиллаштириш.	Тадбиркорлик субъектларининг тартибга солинадиган харажатларининг асослилигини аниқлаш учун таққослов бозорлари ва ўзаро боғлиқ бозорлардаги нархларнинг “қиёсий қийматлари” усулидан фойдаланишни назарда тутувчи тартибга солинадиган нархлар қўлланилиши устидан мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш	2020 йил декабрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
V. Табии монополия соҳаларининг рақобат бозори ҳолатига ўтишдаги тўсиқларни бартараф этиш				
23.	Табии монополиялар сифатида таснифлаш мезонларини қайта кўриб чиқиш ва ушбу соҳаларни тубдан қисқартириш.	<p>1. “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табии монополиялар тўғрисида”ги қонунларни бирлаштириш.</p> <p>2. Табии монополиялар субъектлари фаолияти ва ишлаши, шу жумладан ўзаро боғлиқ бозорларда рақобат шароитларини яратиш имкониятидан келиб чиқиб, таҳлиллар ўтказиш.</p>	2020 йил октябрь 2021 йил февраль	Монополияга қарши курашиш қўмитаси <i>(Н. Шарипов)</i>
24.	Табии монополиялар субъектлари фаолиятининг шаффоғлигини ва уларнинг инфратузилмаларидан камситишларсиз фойдаланишни таъминлаш.	<p>1. Табии монополиялар субъектларининг намунавий ва бошқа шартномаларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Табии монополиялар инфратузилмасига уланиш (кўшилиш) асоссиз рад этилганлиги учун жавобгарлик механизмларини кучайтириш.</p>	2020 йил ноябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси <i>(Н. Шарипов)</i>
25.	Электр энергетика соҳасида рақобатни ривожлантириш.	<p>1. Электр энергиясининг улгуржи бозорини босқичмабосқич шакллантириш бўйича Дастур тасдиқлаш.</p> <p>2. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш функцияларини хусусий секторга бериш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқлаш.</p>	2021 йил апрель	Энергетика вазирлиги <i>(А. Султанов)</i> , Монополияга қарши курашиш қўмитаси <i>(Н. Шарипов)</i>
26.	Газ таъминоти бозорида рақобатни ривожлантириш.	Хусусий секторнинг рақобат асосида газ таъминоти бозорига киришини таъминлаш дастурини тасдиқлаш.	2021 йил сентябрь	Энергетика вазирлиги <i>(А. Султанов)</i> , Монополияга қарши курашиш қўмитаси <i>(Н. Шарипов)</i>
27.	Темир йўллари транспорти соҳасида рақобатни ривожлантириш.	<p>Темир йўллари транспорти орқали ташишлар бозорида қўйидагиларни кўзда тутувчи рақобатни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш:</p> <p>темир йўллари инфратузилмасини сақлаш ва ташишларни амалга ошириш функцияларини ажратиш орқали темир йўлларида ташишлар хусусий бозорини ривожлантириш учун шароитлар яратиш имкониятини ўрганиш;</p>	2021 йил март	Транспорт вазирлиги <i>(Э. Ганиев)</i> , Монополияга қарши курашиш қўмитаси <i>(Н. Шарипов)</i>

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
		<p>ҳаракатланувчи таркиб операторлари фаолиятини тартибга солиш асослари ва уларнинг ташувчилар билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги норматив-хукуқий хужжатни қабул қилиш;</p> <p>комбинациялашган ташишларга тарифни ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш (йўналиш бўйлаб ҳар хил турдаги локомотивлар ёки турли ташувчиларнинг локомотивларидан фойдаланиш);</p> <p>умумий фойдаланишда бўлмаган йўлларнинг умумий фойдаланиладиган йўлларга технологик уланиши учун тенг шароитларни таъминлаш;</p> <p>вагонлар айрибошлиш “биржа”сини ташкиллаштириш, ташишлар логистикасини янада самарали яратиш.</p>		
28.	Ҳаво транспорти соҳасида рақобатни ривожлантириш.	<p>1. Республиkaning барча ҳудудларида “очиқ осмон” режимини жорий этиш дастурини тасдиқлаш.</p> <p>2. Ҳаво транспортида ташишлар бозорида турли хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор субъектлари киришини таъминлаш дастурларини тасдиқлаш.</p> <p>3. Миллий арzon ташувчиларни – “лоукостерларни” яратиш дастурини тасдиқлаш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>2020 йил декабрь</p> <p>2021 йил январь</p>	<p>Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)</p>
VI. Рақобатни ҳимоя қилишда қонун хужжатлари бузилишларига олдиндан йўл қўймаслик (профилактика) воситаларини жорий этиш				
29.	Монопол корхоналарда ва давлат органларида монополияга қарши комплаенсни жорий этиш.	<p>1. Монопол корхоналарда ва давлат органларида монополияга қарши комплаенсни жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши.</p> <p>2. Монопол корхоналарда ва давлат органларида монополияга қарши комплаенсни жорий этиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020-2024 йилларда</p>	<p>Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов)</p>

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
30.	Рақобатни ҳимоя қилишда қонун хужжатлари бузилишларига олдиндан йўл кўймаслик (профилактика) механизмини жорий этиш.	<p>1. Давлат органларида ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенсни – рақобат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш, хукуқбузарлик хавф-хатарларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички тартиб-қоидалар тизимини жорий қилиш ва уни мониторинг қилиш методологиясини ишлаб чиқиш</p> <p>2. Камида 9 та корхоналарда тажриба сифатида монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов)

VII. Рақобат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик, аввало “картель” келишувлари тузганлик ва тил бириктиришлар амалга оширганлик учун ҳукуқий таъсир чораларини кучайтириш ҳамда ҳалол рақобатни рағбатлантириш

31.	“Картель” келишувларига қарши курашиш усусларининг самарадорлигини ошириш.	“Картель” келишувлари ва тил бириктириш бўйича рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жарималар миқдорини ўзгартириш бўйича “Рақобат тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритиш.	2020 йил октябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
32.	“Картель” келишувлари ва тил бириктиришларни аниқлашнинг таҳлилий воситаларини такомиллаштириш.	Ижтимоий муҳим ва монопол турдаги товар ва хизматларнинг нархлари даражасини кузатиш тартибини ишлаб чиқиш.	2020 йил сентябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)
33.	Жамиятда тил бириктириш ва “картель” келишувларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.	<p>1. Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда “картель”ларга қарши ижтимоий компанияни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Картель” келишувларини аниқлаш мақсадида “енгиллаштириш” дастури самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини тасдиқлаш.</p>	2020 йил декабрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А. Ходжаев)
34.	Ноҳалол рақобатни олдини олиш, аниқлаш механизмларини такомиллаштириш.	<p>1. Ушбу соҳада фаолият юритаётган юристлар, патент ишончли вакиллари ва экспертларидан иборат монополияга қарши курашиш органи хузурида маҳсулот ўхшашлигини баҳолаш бўйича эксперт комиссиясини шакллантириш.</p> <p>2. Интеллектуал мулк ҳукуқларини бузувчи ноҳалол тадбиркорлик субъектлари реестрини жорий этиш.</p>	<p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил сентябрь</p>	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Интеллектуал мулк агентлиги (Т. Абдусатторов)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
35.	Рақобат түғрисидаги қонун хужжатлари күлланилиши юзасидан судьяларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш.	Судьялар Олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби билан ҳамкорликда судьялар учун рақобат түғрисидаги қонун хужжатларини күллаш бўйича маҳсус курсларни ташкил қилиш.	2021 йил	Судьялар Олий кенгаши (У. Мингбаев), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
VIII. Рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишининг самарали воситаларини жорий этиш				
36.	Рақамли бозорларга янги иштирокчилар учун кириш шартларини соддалаштириш.	1. “Рақобат түғрисида”ги қонунга “рақамли бозорлар” ва уларни монополияга қарши тартибга солиш тушунчаларини киритиш. 2. Рақамли бозорларда тартибга солиш хужжатларисиз инновацияларни синашга имкон берадиган “тартибга солиш қумдони” концепцияси асосида маҳсус ҳуқуқий режимни яратиш.	2020 йил октябрь 2020-2021 йилларда	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (Д. Ли), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
37.	Рақамли бозорларни монополияга қарши тартибга солишининг самарали воситаларини яратиш.	Рақамли бозорларнинг товар ва географик чегараларини таҳлил қилиш ва аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш.	2021 йил апрель	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (Д. Ли)
38.	Электрон тижорат соҳасида рақобат мұхитини тақомиллаштириш.	Электрон тижорат жараёнида монополияга қарши савдо қоидаларини тасдиқлаш.	2021 йил	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
39.	Рақамли бозорларда рақобатни ҳимоя қилиш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш.	Рақамли бозор иштирокчилари томонидан рақобат қонунчилиги талабларини тезкор ва самарали бажарилишини таъминлайдиган RegTech (тартибга солиш технологиялари) концепциясига асосланган рақамли платформани яратиш.	2022 йил	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
IX. Монополияга қарши орган фаолиятини очиқлигини таъминлаш ва жамиятда рақобат маданиятини ва рақобаттаға қарши хатти-харакатларга қарши муросасизликни шакллантириш				
40.	Республикада соғлом рақобат мұхитини шакллантириш борасыда амалга оширилаётган ишларга жамоатчилик ташкилотларини, эксперт ва бизнес-ҳамжамиятларни кенг жалб қилиш.	1. “Рақобат 4.0.” мунозаралар майдончасини янада ривожлантириш. 2. Рақобатни ривожлантиришга күмаклашиш бүйича Экспертлар кенгашини тузиш.	2020-2022 йиллар	Монополияга қарши курашиш құмитаси (Н. Шарипов)
41.	Жамиятда рақобат маданияти ва рақобаттаға қарши ҳар қандай хатти-харакатларга нисбатан муросасизликни шакллантириш.	1. Тадбиркорлық субъектлари учун бозор күнікмаларини ривожлантириш ҳамда рақобат түғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига бағишенген үқув курсларини ташкил этиш. 2. Рақобатни янада ривожлантиришга күмаклашиш мақсадида нодавлат ташкилотларини яратиши (тузиш, ташкил қилиш).	2020-2024 йилларда	Монополияга қарши курашиш құмитаси (Н. Шарипов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов)
42.	Монополияга қарши курашиш құмитаси фаолиятида рақобатни чеклаш ҳолатларини аниқлаш ва улар бүйича тегишли чораларни күришда тезкорлықни таъминлаш мақсадида ахборот-технологияларини кенг жорий қилиш.	Монополияга қарши тартибга солиши бүйича ягона ахборот тизимини яратиши ва уни худудий органлар, барча давлат органларининг ахборот-маълумот тизимларига уланишини таъминлаш.	2020-2022 йилларда	Монополияга қарши курашиш құмитаси (Н. Шарипов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
43.	Монополияга қарши курашиш құмитаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш.	Илғор хорижий амалиёт асосида Монополияга қарши курашиш құмитаси фаолияти самарадорлигини асосий күрсаткышларини (КРІ) ишлаб чиқиши ва жорий этиши.	2020 йил сентябрь	Монополияга қарши курашиш құмитаси (Н. Шарипов)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	бажариш муддати	Масъуллар
44.	Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларини рақобат сиёсати ва рақобат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларидан хабардорлиги ва кўнкимларини янада ошириш.	Давлат бошқаруви академиясининг ўқув дастурларида рақобат сиёсати бўйича маҳсус курсларни жорий қилиш.	2020 йил сентябрь	Давлат бошқаруви академияси (Х. Азизов), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)
Х. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадрлар салоҳиятини тизимли ошириб бориш				
45.	Монополияга қарши тартибга солиш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш.	<p>1. Республиkaning етакчи олий таълим муассасаларининг магистратура йўналишларида монополияга қарши тартибга солиш ва рақобат хуқуки йўналишлари бўйича маҳсус курслар ташкил этиш.</p> <p>2. Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати ва худудий органлари ходимлари учун рақобат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини қўллашга бағишиланган доимий ўқув курсларини ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил декабрь</p>	<p>Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)</p>

**Тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ялпи хатловдан ўтказиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга ошириш шакли	Масъул ижрочилар
1.	“Тартибга солиш гильотинаси” усулидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган норматив-ҳуқуқий ва техник тартибга солиш ҳужжатларни ялпи хатловдан ўтказилишини мувофиқлаштириш (кейинги ўринларда – хатлов) бўйича давлат органини белгилаш, уни ўтказиш режаси – “Йўл харитаси”ни тайёрлаш, хатловдан ўтказилаётган ҳужжатлар рўйхатини тузиш учун идоралараро комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳамда вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларини тайинлаш.	2020 йил сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси қарори	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Л. Кудратов</i>), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (<i>Д. Касимов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Ялпи хатловдан ўтказишни мувофиқлаштирувчи давлат органи ҳузурида хатловдан ўтказиш бўйича лойиҳа офисини ташкил этиш.	2020 йил октябрь	Техник кўмаклашиш маблағларини жалб этиш. Амалий чора-тадбирлар режаси	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга ошириш шакли	Масъул ижрочилар
3.	Тадбиркорлик субъектларини “Тартибга солиш гильотинаси” жараёнига жалб этиш, асосий манфаатдор тарафлар билан маслаҳатлар ўтказиш, жамоатчилик билан ишлаш режасини ишлаб чиқиши.	2020 йил сентябрь-октябрь	Ташкилий тадбирлар	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
4.	Хатловдан ўтказиш бўйича қўлланмани, электрон саволномани ишлаб чиқиши.	2020 йил ноябрь	Кўлланма ва раҳбарлик	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
5.	Хорижий эксперктларни жалб қилиш, лойиҳа оғиси ва идоралараро комиссияси ходимларини хатловдан ўтказиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларга танишув ташрифини ташкил этиши.	2020 йил ноябрь-2021 йил январь	Амалий тадбирлар	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
6.	“Тартибга солиш гильотинаси” жараёни учун ягона веб-сайтни ташкил этиши.	2021 йил январь	Амалий тадбирлар	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
7.	Вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари учун “тартибга солиш гильотинаси” усули бўйича маҳсус тренинглар ташкил этиши.	2020 йил октябрь-декабрь	Ташкилий тадбирлар	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)

Т/р	Чора тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга ошириш шакли	Масъул ижрочилар
8.	“Тартибга солиш гильотинаси” дастурининг моҳияти ва мақсадлари тўғрисида кенг жамоатчиликка маълумот бериш, шу жумладан семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш, йўриқнома ва қўлланмалар ва бошқа таҳлилий материалларни нашр этиш.	2020 йил ноябрь-2021 йил январь	Ташкилий тадбирлар	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
9.	Хатловдан ўtkазиладиган норматив-хуқуқий ва техник тартибга солиш хужжатлар рўйхатини шакллантириш.	2021 йил январь	Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
10.	Вазирлик ва идораларнинг норматив-хуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш норматив хужжатларини рақобат ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини хатловдан ўtkазиш ҳамда уларни бекор қилиш, қайта кўриб чиқиши ёки сақлаб қолиши бўйича аниқ асосланган таклифларни лойиҳа офисига киритиши.	2021 йил январь-февраль	Таҳлилий материаллар	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
11.	Вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган норматив-хуқуқий ва техник тартибга солиш хужжатларининг шакллантирилган рўйхатларини рақобат ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини хусусий бизнес вакиллари ва мустақил эксперталарни жалб қилган ҳолда пухта экспертиздан ўtkазиши.	2021 йил февраль-апрель	Экспертиза хulosаси ва ҳисбот	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга ошириш шакли	Масъул ижрочилар
12.	Вазирлик ва идоралар билан экспертиза хуносалари бўйича муҳокамаларни ўтказиш ва қайта кўриб чиқилган норматив-хуқуқий хужжатларнинг якуний рўйхатини шакллантириш ҳамда вазирликларнинг шикоят ва апелляциялари бўйича муҳокамаларни режалаштириш.	2021 йил апрель	Экспертиза хуносаси ва ҳисбот	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
13.	Қонун хужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари тўпламини ишлаб чиқиш ва унинг рақобатга, бизнесга ва давлат бюджетига таъсирини баҳолаш.	2021 йил апрель-июль	Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
14.	Қонун хужжатларига киритилган ўзгартиришлар тўпламини тасдиқлаш, қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар ва техник тартибга солиш хужжатларини Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлар миллий базасига киритиш. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилмаган қонун хужжатларни автоматик равишда ўз кучини йўқотган деб топиш тартибини жорий этиш.	2021 йил август-сентябрь	Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари	Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига
4-илова

**2024 йилгача бўлган даврда ўзларига тартибга солиш бўйича
бириктирилган тармоқларда рақобатни ривожлантириш
дастурларини ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идоралар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тармоқ	Масъул вазирлик ва идоралар
1.	Электр энергияси ишлаб чиқариш	Энергетика вазирлиги
2.	Нефтгаз саноати	
3.	Темир йўл транспорти	
4.	Ҳаво транспорти	
5.	Автомобиль транспорти	Транспорт вазирлиги
6.	Автомобиль йўлларини қуриш	
7.	Қурилиш	
8.	Лойиҳалаштириш хизматлари	Қурилиш вазирлиги
9.	Мобиль алоқа хизматлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
10.	Интернет хизматлари	
11.	Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш	
12.	Ўлчов ишларини олиб бориш ва топосъёмка хизматлари	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
13.	Сертификация ва метрология	“Ўзстандарт” агентлиги
14.	Автомобиль саноати	
15.	Электротехника	
16.	Металлургия	
17.	Озиқ-овқат ва ёғ-мой саноати	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси
18.	Қурилиш материаллари	
19.	Кимё саноати	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига
5-илова

**2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба (синов) тариқасида
монополияга қарши комплаенс тизими жорий этиладиган
давлат иштирокидаги корхоналар
РҮЙХАТИ**

1. "Uzbekistan Airways" акциядорлик жамияти
2. "Кварц" акциядорлик жамияти
3. "Асака" акциядорлик тижорат банки
4. "UzAuto motors" акциядорлик жамияти
5. "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти
6. "Навоиазот" акциядорлик жамияти
7. "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти
8. "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти
9. "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти

